

Дўстимга намоз ўқишни ўргатмоқчиман

08:14 / 30.12.2018 2507

Ассалому алайкум! Мен яқин дўстимга намоз ўқишни ўргатмоқчиман. Унинг ўзида ҳам динга бўлган қизиқиш бор, лекин диндан тушунчаси йўқ. Мени ўзимни ҳам диндан билимим кучли эмас. Эртага ўқиб индинга ташлаб қўймасин дейман. Мен қандай йўл тутсам бўлади? Дўстим нималарни ўрганиши керак?

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! [Намоз](#)ни тездан бошлаш керак. Секин аста нима ўқилишини ўрганиб бораверади. Бирданига қийин қилиб кўрсатманг. Ҳеч бўлмаса [фарзлар](#)ини бошласин. Ташлаб қўядиган аҳволда бўлса ҳам ўргатаверинг. [Валлоҳу аълам!](#)